





САМАРҚАНД САЙҚАЛИ РҮЙИ ЗАМИН АСТ...

1994 йилнинг апрелида Лондонга ilk бор қадам босиб, Англия пойтахти билан танишайтганимда бу ибора ҳали кўп саҳифалари биз учун қоронғу бўлган мозик қатъридан ногоҳон яшидек чиқади.

Ва шу заҳотиёқ Шохизиндаю Регистоннинг мовий гумбазлари кўз ўнгимдан ўта бошлади... Мен Европанинг узоқ бурчагида туриб, болалигимнинг бир бўлаги қолиб кетган Самарқандни қайтадан кашф этардим, гўёки.

«Самарқанд сайқали руйи замин аст...» У шор томонидан такабурилик мақсадида ёзилган жимжимдор жулма эмаслиги, балки ўшанда бутун дунё таз олган ҳақиқатнинг инъикоси бўлиб, бу тенгсиз ташбеҳ нафақат қадимий шахримиз, балки истисдодли халқимиз шарафига қўйилган ўзига хос маънавий обида эканини англаб, юрак-юрагимдан гурурланиб кетдим. Ва овозимни баралла қўйиб, «Туманли Альбион» узра «Самарқанд сайқали руйи замин аст!» деб юборишдан ўзимни зўрға тибиб қолдим.

Гап шундаки, Буюк Британия пойтахтида менга бундан 714 йил муқаддам яратилган жаҳон харитасининг нуҳасини кўрсатишди. 1280 йилда Англиянинг Херефорд шаҳрида истиқомат қилувчи олим ва роҳиб, Ричард Холдинкс томонидан чизилган ва ҳозирда ушбу мамлакатнинг миллий қадрияти ҳисобланадиган ушбу харитада ўша даврда сайёрамизда энг йирик деб тан олинган Куддус, Париж, Лондон, Рим каби шаҳарлар қаторида Самарқанд ҳам бор эди! Ҳа, шунини айтмоқчиманки, бу харитага 74 йил умр кўрган улкан совет салтанатидан Самарқанддан бошқа биттага шаҳар (ахир собиқ Совет Иттифоқида тарихий шаҳарлар озмончанди?) киритилмаганди!


Ҳеч бўлмаганда худудидаги ақали битта-битта шаҳри худди Самарқанд каби умумжаҳон раъий ҳисобланмиш мамлакат ер юзидан унча кўп эмас. Ўзбекистонда эса бундай шаҳарлар биргина Самарқанд билан чекланмайдилар! Аммо умумбаълар маданияти бешиги бўлиши ана шундай улғур юртимизнинг бошига қарийб бир ярим аср давом этган мустамлакачилик даврида не-не қулар тўшмади... Ҳатто унинг асрий тарихию маданиятини инсоният хотирасидан ўчириб юборишга уриниш у ерда турсин, уни чор тарафдан ўраб-чирмаб, жаҳондан буткул ажратиб ташлашувди.

1987 йили Москвада — Нобель мукофоти лауреати, колумбиялик машҳур ёзувчи Габриэль Гарсиа Маркес, унинг хотини Мерседес билан суҳбатлашган.

аъзолари вақтингизнинг хуш ўтиши учун баҳоли қудрат шароит яратишга уринишган: хоҳсангиз видеofilmлар томоша қилишингиз (ҳар бир салонда биттадан телевизор ўрнатилган), тасангиз газетая журналлар мутуола қилишингиз мумкин. Самолёт ҳам жаҳонда энг зўрларидан — «А-310»!

Аммо барибир узоқ йўл узоқ йўл ва уни яхши ҳамроҳсиз тасаввур этиб бўлмаскан. Самолётда эса деярли ҳаммаси — хорижликлар. Бахтинга шундай ҳамроҳ топилди: Тошкент жаҳон тиллари университетининг профессори, Аббос Турсунов. Инглиз тили бўйича йирик мутахассис. Инглизчани сувдай ишатидаган само бекаларнинг асадирияти шу домланинг сабогини олишган экан.

Гарчанд Буюк Британия дундаги Хитой ёки Хиндистонга ўхшаш сараҳоли бўлмас-да (бу юрда 57 миллион киши яшайди), инглиз тили жаҳонда энг нуфузли тил ҳисобланиб, уни билганлар дунё «сирли» ни кўпроқ англашади. Шу босиб тилини билмаслигимиз учун роса уринишди. Ва ниҳоят, изимизга ўзинизга текка: боғчалар, мактабу олий ўқув юртиларида, махсус курсларда минглаб ҳам-юртларимиз бу жозибдор тилини ўрганишпти.



идоранинг узвий давом — ёрув ва шинам. Курсио столлар, телефону компьютерлар...

Бу ерда яна бир ҳамюртимиз — Махмуд Аҳмедов, шунингдек яна уч лондонлик ҳам ишларкан. Ваколатхона 1992 йилда очилган. Унинг вазифаси Лондондан Тошкентга учиб кетувчи самолёту йўловчиларга хизмат кўрсатиш, йўловчиларга авиабилетлар сотиш, чипталарни олдидан тўшган буюртма орқали бронлаштириб қўйиш. Бу ерда нафақат Тошкент, балки жаҳондаги истаган шаҳарга билет олиш мумкин: бир ярим йил илгари миллий авиакомпаниямиз «ИКАО»нинг Марказий компьютер ти-

сабаб дастлаб инглизлар бизга Гатфин аэропортини тақлиф этишувди. Аммо улар билан олиб борилган биринчи музокарадан сўнг авиакомпаниямиз бош директорни Гани Рафиқов, «Таваккал, Хитроуни сўрайлик. Балки, омадимиз юришиб кетар...», — деб қолди. Галдаги музокарада биз ана шу тақлифни ўртага ташловдик, улар рози бўлишди! Лекин дастлаб бизга атиги иккита слот (қўниш ва кўтарилишга рухсат) берилди, у ҳам тун пайларига. Одатда бундай вақт аксарият йўловчилар, айниқса, нуфузли ишбилармонларга у қадар маъқул тушмасди. Кейин билсак, хитроудагилар бизни синаш учун шундай қилишди.

ўртасида элчионалар даражасида дипломатик алоқалар йўлга қўйилган бўлса-да, тарчанд юртимизга Англиядан қатор юртриф буртиришга эса-да (масалан, ташқи ишлар давлат вазири Даглас Хотт), етти ўлчаб бир кесадиган инглизлар то Ислам Каримовнинг бу мамлакатта ташрифта қадар бизга хйёл иккиланиброқ қарашарди, айниқса, ишбилармонлар. 1994 йилнинг ноябрида бўлиб ўтган юксак даражадаги ушбу ташриф уларнинг ана шу иккиланишга нуқта қўйди.

Юртбошимиз Бош вазир Жон Мейжор, Британиянинг бошқа раҳбарлари, ишбилармонлар билан мулоқотлар ўтказди, қатор битимларга имзо чекди. «Президент Ислам Каримовнинг иқтисодни тегар биллиши, энг асосийси эса, унинг она Ватани истиқболига бўлган қатъий қўқур асосланган ишончи кўпчилигимизга у қадар ахши таниш бўлмаган Ўзбекистонга мубосабатимизни бутуллаш ўзгартириб юборди. Буюк Британия билан Шарқдаги келажаги порлоқ, ер ости ва ер усти бойликлари беҳисоб ушбу мамлакат ўртасидаги янги, янада юксак даражадаги (ҳар соҳада) алоқаларга мустаҳкам замин яратилди», — ёзишди инглизлар.

Шаҳарни томоша қилиш мобайнида Лондон кўчаларида ўтказган суҳбатларимизда эса оддий инглизлар шундай дейишди: «Президентингизнинг ташрифи ниҳоятда муваффақиятли яқунланди. У, агар таъбир жоиз бўлса, инглиз ҳамда ўзбек халқлари орасида солинган улкан дўстлик кўпригининг биринчиси...»

— тахт вориси. Қиролчининг қизи малина Анна ўтган йили июль ойида Ўзбекистонга ташриф буюриб, юртибошимиз қабулида ҳам бўлувди.

Элизабет II давлат бошлиғи ҳисобланса-да, мамлакатни Бош вазир бошқаради. Аммо инглиз халқи қиролчининг ниҳоятда эъзозлайди. Масалан, унинг турган куни ҳар йили мамлакатнинг миллий байрами сифатида нишонланади. Қиролча Сароин эса инглизларнинг миллий гурури ҳисобланади. Президентимиз Британияга ташрифи чоғида ана шу саройда ҳам бўлиб, Элизабет II билан суҳбат қилган.

Кўзлаб бинолар, майдонлар, истироҳат боғларини, кўчалар — Парламент уйи, Виг-Бен (соатли минора), Сити, Гайд-парк, Бейкерстрит (ушбу кўчадаги уйларида бирода қачонлардир Артур Конов Дойнинг қаҳрамони — машҳур иқзувар Шерлок Холмс яшаган дейишади. Ҳатто ўша унинг эшигига «Мистер Шерлок Холмс. Қўнғироқ тутмасини уч марта босинг» деган рамзий лавҳаси ҳам ўрнатилган), Оксфорд стрит, Эшвьер, Байт-холлини мириниб томоша қиламиз.

Шаҳардаги саноят ишоотлари «Ишчилар Саройлари меҳнат қилишлари керак!» деган широр этила бунёд этилган бўлиб, уларда ишчи хизматчиларнинг меҳнат қилишлари, аннрофи, иждоий меҳнат қилишлари учун нима лозими бўлса, ҳаммаси мужассам.


Инглизлар, хусусан лондонликлар, ўтмиш аъналарига содиқлиги билан ақралиб турнади. Масалан, мамлакат пойтахтида янги қурилушлар деярли учрамайди. Шаҳарнинг меъморий қиёфаси асл ҳолида сақланиб келинапти. Ҳатто эндиликда машиналар кўйилиб, баъзи кўчалар «торайиб» транспорт ҳаракатига таъсир кўрсатаётган бўлса-да, уларга мутлақо тегилмаскан.

Биз ҳайҳотдай бир истироҳат боғини «эиберат» қилдик. Йўларни эгри-бурти, ўзи эса ёввойи бир ҳолатда: одамларни кўчиб кетиб, хувилаб қолган эски қишлоқни эслади. Вилсак, бу бой анча ялғари бир бой аёлининг шаҳени мулки бўлиб, у ўзимдан олдин васият қилбидик. «Богни шаҳарга ҳали этаман, аммо шартим бор: у қандай ҳолда бўлса, мудом ўшандайлигича қолиши керак...»

Степанов иккимиз шаҳардан олисдаги қишлоқлардан бирини ҳам бориб кўрдик. Агар атрофдаги экинзорлар ҳисоба олинмаса, у шаҳардан мутлақо қилишмасди. Бежирим коттеждар, замонавий дўконлари хизмат кўрсатиш ишоотлари, чўрпа гуллар очилиб ётган қиёболар...

Ўзбекистон ва жаҳон

ЛЕКИН ЎША КЕЧ КУЗДА АЛЬБИОННИНГ ТУМАНЛАРИ ТАРҚАБ КЕТГАНДИ



зимиға уланганди (унинг бош компютери АҚШдаги Атланта шаҳрида) ва табиийки, компаниянинг Лондондаги ваколатхонаси ҳам ана шу халқаро тармоқ хизматидан фойдаланади.

Йўловчиларнинг 90 фоизи билетларга телефон орқали буюртма беришаркан. (Ҳа, Англияда ва умуман Ғарбда аллақачон одамлар бизга ўхшаб чўнтакларидан пул олиб юришмайди: савдо-сотик чек китобчаси ёки кредит варақаси ёрдамида амалга оширилади).

Президентимиз Ислам Каримовнинг ўтган йили кузда Буюк Британияга ташрифидан сўнг Ўзбекистонга боришни истовчилик сони ниҳоятда кўпайди, — дейди Мирсобит. — Ҳозир бизга ҳар ҳафтада 500—600 нафар киши мурожаат қилаётир.

Имтиҳон уч ой давом этди ва муваффақиятли яқунланди. Шундан сўнг яна иккита слот қўшилди. Рейсларнинг вақтини ҳам ўзгартиришди, яхши «томонга», албатта. Шунини айттайки, Хитроуга Марказий Осиедан фақат битта — Ўзбекистон миллий авиакомпанияси самолётлари учяпти, холос. Бу биз учун ҳам катта шараф, ҳам катта масъулият.

Сизлар кўрсатётган хизматдан норози бўлган йўловчилар ҳам борми? — сўрайман улардан. — Бизга шу икки йил мобайнида биттагина шикоят хати келди, холос. Лекин у... Тошкент аэропорти бўйича, Ғарбда, хусусан, Англияда йўловчиларни том маънода эркалатишади. Уларда одамлар биздагига ўхшаб чипта олиш учун соатлаб навбатда туришмайди. Ушбу «жараиға» бир неча дақиқа сарфланади, холос. (Аэропортларда умум-



«Мен яқинда Ўзбекистонда ярим ой давомида меҳмон бўлдим, — дейди лондонлик Ширин Акнер. — Вазирилар, олимлар, оддий кишилар билан мулоқотлардан сўнг шунга амин бўлдимки, жаноб Ислам Каримов етакчилигида юртингизда ўтказилган ислохотлар, шиддатли ташаббуслар, албатта ўз самарасини беражак. Чунки уларни кенг халқ оммаси яқинлик билан қўллаб-қувватлагина қолмай, бу мураккаб, лекин эзгу режаларни амалга оширишда бор имкониятини ишга солишга уринишяпти».

Ширин Акнер билан дастлаб бундан икки йилча олгари Техронда — Марказий Осие маданияти, фани муаммоларига бағишланган ЮНЕСКО томонидан ўтказилган халқаро конференцияда танишганим. (Уларнинг аждоқлари Фарғонадан бўлиб, Бобур билан бирга Хиндистонга келишган. Ширин эса Покистонда туғилиб ўсган, кейинчалик Лондонга кўчиб ўтган. Ўзбекчани яхшигина билади. ЮНЕСКО Бош директорни Федерико Майор билан интервьо ўтказганимда опа ўз ташаббусига кўра бизга тилмочлик қилувди).

Профессор Ширин Акнер, Англиядаги Марказий Осие тақдир қотларни марказининг бошлиғидир. Ушбу марказ қатор мамлакатлар, айниқса, Ўзбекистоннинг тарихи, маданияти, фани, иқтисодини ўргатиш, юртимиз доврнинг нафақат Британия, балки бутун дунёга ёйишиш ўзига вазифа қилиб олган ва бу борада кўпгина хайрли юмушларни бажаряпти. Шу яқин ўртада эса унинг ташаббуси билан Англияда «Бухорои шариф» деб номланган кўргазма ташкил этилиб, унда халқ ҳунармандчилиги махсулотларидан намуналар, миллий кийимларимиз ва ҳатто ўзбек таомлари ҳам намоиш этилар, санъаткорларнинг қишқилари уюштириларкан.

Саёхатимизни қиролча саройидан бошлаймиз. Бу ҳашаматли Саройнинг соҳибаси — қиролча Элизабет II, у 1926 йилда таваллуд топган. Тахтага 1952 йили, отаси Георг VIнинг ўлимидан сўнг «минган». Унинг тўнғич ўли Чарльз

шаркан) эса биз кўрган ўша қишлоқларидан фақат салобатию, олд томонидаги серкило темир панжаралари, антиқа эшиклар, мармар, ёнги гранитдан ясалган зинапоёлари билан ажралиб турарди, назаримда.

Шаҳарда «дом»лар ҳам бисёр, аммо бизларнинг мутлақо ўхшамайди, аввало, ҳаммаси ешдан қурилган (бу ерда темирбетондан қурилган биротам турар-жой биносини учратмадим). Шунингдек, улар бизникига ўхшаб 9—20 қаватли ҳам эмас. Нарн бора 3, 4 қаватли ошмайди, гарчанд Лондонда ўн олти миллион аҳоли яшаса-да! Иккинчидан «дом»ларда умумий под'езд (кириш жойи) йўли, ёки бошқача қилиб айтганда, ҳар бир оиланинг ўз дарвозаси мавжуд.

АНГЛИЯ пойтахтининг тағин бир жиҳати шундаки, деярли ҳамма даразаларга оппоқ дарналар осылган. Бу лондонликларнинг қўйишга интилушларидан бўлса, ажаб эмас, сабаби Лондон ҳамипа туманлар қуршовида бўларкан. «Лекин Президентингиз ташрифи чоғида кеч кўз бўлишига қарамай, туманлардан асар ҳам йўқ эди, — дейдиши лондонликлар. — Бу эса — яхшилик аломатидир!»

Анвар ЖУРАБОВЕВ.

Тошкент — Лондон.

- 1. 1280 йилда Англияда яратилган жаҳон харитасининг фотонуҳаси.
2. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг Лондондаги ваколатхонаси бошлиғи Александр Степанов (ўртада), унинг ёрдамчилари Мирсобит Мираҳмедов (ўғида) Махмуд Аҳмедов.
3. Буюк Британия пойтахти манзаралари.
Муаллиф олган суратлар.



нимда, улар сўраб қолишди: «Айтинг-чи, Тошкентдан Туркияга ҳафтасига неча самолёт учаяди? Қўқисидан берилган ушбу беозор савол юрагимдаги ярага тўздек сепилди. Томоғимга мушздай бир нарсга қадалган бўлди... Чунки мен уларга бундан бир соат илгари Ўзбекистон ҳақида тилимдан бол томиб ҳикоя қилувдим ва тарихий шу қадар дoston бўлган бундай мамлакатдан нафақат Туркия, балки бошқа юртларга ҳам самолётлар қатнови оддий ҳол бўлиши керак эди-да. Аслида эса... Лекин мен фаҳр ва гурурга йўғрилган боғи ҳикоямга заррача юмал гард юмаллиғи учун ушанда ёлгон гапиршига мажбур бўлдим: «Учишга учадийо, рости ҳафтасига нечталигини аниқ билмайман...»

«Лондонга-чи?» — яна сўрашди улар.

«У ёққа ҳозирча йўқ. Лекин сизлар меҳмон бўлиб келсанлар, пойдамларингиз ёқиб, уча бошлаши ҳеч гап эмас», — дедим ясама табассум билан. Аммо ич-ичимдан билардимки, улар бир эмас, ўн марта келишса-да, Тошкентда узоқ Лондон у ёқда турсин, ҳатто шу яқин ўртадаги биротам мамлакатга ҳеч қачон самолёт умаслиғи икки қарра икки тўртдек равшан эди...

Истиқбол берган улғур неъматлардан бири шу бўлдики, Ўзбекистон билан жаҳон ўртасидаги темир дарвозалар темир қулфлари билан бирга бири-кетини улоқтиришди. Ўзининг тарихимизни билган дунё энди буғинимизни ҳам таний бошлади.

Ҳозир «қўқисига» миллий байроғимиз юртимизнинг номи битилган самолётларимиз нафақат Туркия, балки ер юзидagi қўллаб бошқа мамлакатлар, шу жумладан Англияга ҳам парвоз этияпти.

ТОШКЕНТДАН ушбу мамлакат пойтахтига қарийб етти соат учаяди. Ҳавада шунча бўлиш осон эмас. Лекин экинж



Нафақат билет, балки бошқа масалалар, дейлик, юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг бориши, мамлакатимизнинг табиий бойликлари, энг йирик корхоналар ва албатта, тарихий обидалар, фану маданиятининг бугунги тараққиёти хусусида. Биз барча саволларга имжони борица тўлиқроқ жавоб беришга угураймиз.

Агар олдин йўловчилар сафи асосан сайёҳлардан ташкил этилган бўлса, эндиликда бу сафга ишбилармонлар, банк ва молния ходимлари, илму фан вакиллари ҳам тобора кўпроқ қўшилишяпти.



Ваколатхона фаолият кўрсатганига атиги икки йил бўлса-да, у ана шу қисқа даврда жуда катта даромад келтирди. «Биргина, шу йилнинг март ойида, — ҳикоя қилади Александр Степанов, — биз 730 минг фунт стерлинг (уни америка долларига «чақса», бир миллион юз минг атрофида бўлади) фойда олдик.

Жаҳондаги йирик аэропортлардан бири ҳисобланмиш Хитроу ҳамма авиакомпаниялар билан ҳам ҳамкорлик қилавермайди. Шу

ман асабингиз бузилмайди). Ва ҳатто ногирон йўловчиларга хизмат кўрсатувчи алоҳида гуруҳлар ҳам тузилган. Бизда ҳали, тан олич керакики, хизмат маданияти анча орқада қолган, — дейди А. Степанов. — Энди ўша хатта қайтсам. Унда қўйидагилар ёзилганди: «Тошкент аэропортида самолётга элтувчи махсус автобусга чиқатганимда (воқеа шу йил қишда содир бўлган), оёғим қорға тойиниб, йиқилиб тушдим. Аммо аэропорт хизматчиларидан биротамсини туриб олмиш учун ёрдамлашмади. Қонда бўйича улар қорни қураб қўйишлари лозим эди, ана ўшанда йиқилмасдим... Уйлайманки, авиакомпаниямизга менга келтирилган маънавий зарарни қоплайди...»

Вақти келиб, Ўзбекистондаги аэропортлардаги йўловчилар учун жами имкониятлар туғдирилди... Бу борада инглизлар ҳам ёрдамлашмоқчи. «Жон Лейнг» қурилуш компанияси Тошкент ва Самарқанд аэропортларини таъмирлаб, уларни халқаро стандартлар талабига мослаштиришни тақлиф этияпти...»

ГАРЧАНД Буюк Британия бизнинг мустақиллигимизни Ғарбда биринчилар қаторида тан олган эса-да (1991 йил 31 декабрда), гарчанд 1992 йилнинг 18 февралда мамлакатларимиз



ҳуқуқ  
ҳуқуқ

대한민국 김영삼 대통령 내외분 우즈베크공화국 공식방문

# Корея Республикаси Президенти Ким Ен Самнинг Ўзбекистонга расмий ташрифини чуқур ҳурмат билан қаршилаймиз ва қизғин қутлаймиз!

**ДЭУ фирмаси  
САМСУНГ фирмаси  
Сунг Ву фирмаси  
Шиндонг фирмаси  
Хон Джун фирмаси**  
Корея Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонаси  
Корея Республикасининг Тошкентдаги маориф маркази.

## «Президент кубоги» кундалиги

### БИРИНЧИ ВА ИККИНЧИ КУН



эл Филалага (1:6, 1:6), Вадим Куценко америкалик М. Робертсга (2:6, 1:6), Улуғбек Раҳматуллаев Ян Кодешга (0:6, 0:6) ютқазиб қўйди. Дастлабки учрашувда бир қатор ҳамюртларимизнинг ўзaro баҳслашишига тўғри келди. Антон Иванов — Александр Волков — 6:3, 6:2, Константин Томашевич — Ганнишер Раҳматуллаев — 3:6, 4:6, Дмитрий Ермаков — Фарход Гуломов — 2:6, 3:6, Алексей Ненашев — Олег Дяченко — 3:6, 6:3, 3:6. Лекин кейинги босқичда Фарход португалиялик Васфан Нотебумдан (3:6, 4:6) Ганнишер голландиялик Стефан Нотебумдан (3:6, 4:6), Олег австриялик Мандлдан (1:6, 2:6), Антон эса Сандро Делла Пианадан (4:6, 2:6) мағлубиятга учради.

Маълумки, мамлакатимиз ҳаётида катта воқеа саналаётган теннис бўйича «Президент кубоги» халқаро турнирини ўтган ҳафтада Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбаев ракетка билан биринчи зарбани бериб, рақсий маънода бошлаб берган эди. Шанба ва якшанба кунлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг кубоги учун дастлабки учрашувлар бўлиб ўтди. Австрия, ПТА жаҳонда катта ушбу халқаро турнирнинг саралаш босқичи ўйналди. Турнирнинг саралаш босқичи ўйналди. Турнирнинг саралаш босқичи ўйналди. Турнирнинг саралаш босқичи ўйналди.

Саралаш босқичида биздан ўн бир нафар теннисчи қатнашди. Афсуски уларнинг аксарияти биринчи учрашувдаёқ мағлубиятга учрашди. Абдулхамид Махнамов чехиялик Дани-



ПОИТАХТИМИЗГА жаҳоннинг йигирмадан ортиқ мамлакатидан «Президент кубоги» халқаро турнирида қатнашиш учун профессионал теннисчилар етиб келишди. Телемунора қошида янги қад ростлаган «Юнусобод» теннис кортларига айни дамда янада қанчалар кўпайган. Куня кеча бу ерда Марказий Осиёда биринчи марта ўтказилаётган профессионал теннисчилар иштирокидаги йирик халқаро турнир — «Президент кубоги»нинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Ушбу теннис турнири мамлакатимиз ҳаётидаги йирик воқеалардан бири бўлиб қолди, — деди теннисчилик федерациясининг раиси, профессор Ш. Наримов. — Турнирнинг ўтказишдан асосий мақсад жаҳонда оммавийлик касб этаётган, Яилдан Яилга нуфуз қозонаётган теннис орқали мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини вужудга келтириш, соғлом муҳитни жорий қилишдир. Агар шу турнир туфайли

биз аҳолида оммавий спорт билан, жумладан теннис билан шуғулланишга қизиқишни янада ортира оلسак, биз ўзимизни маълум маънода мақсадга эришган ҳисоблаймиз.

тардим. Ўйлайманки, уларнинг ўйини ва умуман «Президент кубоги» турнири кўплаб кишиларда теннисга катта қизиқиш уйғотади. Биз бу турнирнинг келажакда жаҳон майдонидан омура-этибор қозонишига ҳаракат қиламиз.

Йўли»нинг финал босқичи — «Мастер»да голиб чиқиб, мухлисларига биринчи мўъжизани ҳада қилганди. Негаки, бу турнирда ҳамюртимиз рейтинг бўйича саккизинчи ҳисобланганди. «Президент кубоги»да эса Олег рейтинг бўйича йигирмаликнинг иккинчи ярмида бўлса, рақиб Влуд кучли еттиликда. Ҳа, Олегга осон эмас. Яна бир ҳамюртимиз Темур Ганиевга қўрға венгриялик Шандор Ножаини қарама-қарши қўйди. Шандор Венгриянинг энг зўр теннисчиси ҳисобланади. ПТА таснифда 220-ўрин. Учинчи ҳамюртимиз Дмитрий Томашевич қўрғага кўра италиялик теннисчи Давид Сагунетига қарши қорға чиқадиган бўлди. Давид ПТА таснифда 192-погонани эгаллаб турибди.

Жуфтлик баҳслари асосий сеплари учун ҳам қўрға ташланди. Биринчи жуфтликмиз О. Огородов ва Д. Томашевич исроиллик Е. Ран ва германлик М. Гезерер жуфтлиги билан ўйнайди. Т. Ганиев ва А. Ивановдан иборат иккинчи жуфтликмиз М. Горич (Испания) ва Х. Гумитага (Аргентина) қарши майдонга чиқишади.

Умуман жуфтлик баҳсларида 16 та иккилик қатнашади. Шундан 14 жуфтлик рейтинг теннисчилар бўлиди. Аянича, мухлисларимиз катта умид боғлашган Олег Огородовнинг рақиб ўта кучли Влуд. Исроиллик Жиллад ПТА таснифда рейтинг бўйича Олегдан қарийб 500 поғона юқори ўринни (183-ўрин) эгаллаб турибди. Шунга қарамай Олегдан мўъжиза кутсақ бўлади. Чунки у «Буюк ипак

## Юртдошларимиздан мўъжиза кутсақ бўлади

— Бундан олти ой олдин айни дамда биз ўтирган иншоотни ўз мuddатида қуриб битказишига ишонини қийин эди, — деди швейцариялик бизнесмен Сассон Кашури. — Қўриб турганимиздек, эндиликда бу ерда профессионал теннисчилар ўртасида йирик халқаро турнир ўтказиш учун шароитлар етарли. Мен Ўзбекистон Республикаси Президентининг кубоги учун турнирнинг юқори савияда ўтқишига умид қиламан. Жаҳоннинг турли мамлакатларидан кучли теннисчилар етиб келишган. Улар орасида америкалик Чак Адамс, Карим Алами (Марокаш), Фабрис Санторо (Франция), Оливер Гросс (Германия) ва албатта «Буюк ипак йўли» сателлит турнирининг мутлақ голиби, Ўзбекистонлик Олег Огородовни алоҳида ақратиб кўрсатишни ис-

«Президент кубоги» турнирининг баҳслари шанба кунини бошлади. «Миконд» заводида тайёрланган кумуш кубок учун баҳслар 5 июнга қадар давом этади. Турнирнинг умумий муқофот жамғармаси 125 миң доллар. Турнирнинг саралаш босқичи якунланди. Якшанба кунини асосий сепларда қатнашувчилар учун қўрға ташланди. Бахтра қарши уч ҳамюртимизга ҳам жуда кучли теннисчилар тушди. Аянича, мухлисларимиз катта умид боғлашган Олег Огородовнинг рақиб ўта кучли Влуд. Исроиллик Жиллад ПТА таснифда рейтинг бўйича Олегдан қарийб 500 поғона юқори ўринни (183-ўрин) эгаллаб турибди. Шунга қарамай Олегдан мўъжиза кутсақ бўлади. Чунки у «Буюк ипак

## ТАБРИКЛАЙМИЗ

ФУТБОЛ мухлислари учун яхши маълумки, бундан бир ой муқаддам пойтахтимизда биринчи марта ФИФА ва ОФК паноҳида Марказий Осиё миллий терма жамоалари ўртасида йирик халқаро турнир ўтказилди. Ўтган кунни эса яна бир футбол турнири — ешлар терма жамоалари ўртасида 29-Осиё чемпионатининг 9-гурӯх саралаш ўйинлари якунланди. УФФ ушбу икки турнирни ериштириб журналистлар ўртасида танлов эълон қилган эди. Унда ҳамкасбимиз Расул Жумаев голиб чиқди ва хоринга йўл-



Расул Жумаев

**«ОРТОМЕДИК» ҚОРХОНАСИ**  
НОГИРОНЛАРНИНГ ЭҲТИЁЖИНИ ҚОНДИРИШ  
МАҚСАДИДА ОЕҚ ПРОТЕЗЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ  
УЧУН АЛОҲИДА ВА ЮРИДИК ШАҲСЛАРДА  
ҲАР ХИЛ КАТТАЛИҚДАГИ ВА КУРИНИШДАГИ  
СУНБЇЙ ПРОТЕЗ "СТОПАСИНИ",  
ФОЙДАЛАНИЛГАН (яъни сақланган) ЁКИ УМУМАН  
ФОЙДАЛАНИЛМАГАН ОЕҚ ПРОТЕЗЛАРИ ВА  
ОРТОПЕДИК АППАРАТЛАРНИ КЕЛИШИЛГАН  
БАҲОДА СОТИБ ОЛАДИ.  
МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700057 Тошкент шаҳри Ж.  
Обидова кўчаси, 160 ("Ўзбекистон" ИТБ ҳудудида).  
ТЕЛЕФОН: 34-36-41, чикки телефон: 5-92.

**СЎМ-КУПОНЛАРГА**  
We invite foreign companies to cooperation  
Сочи, Ялта, Кисловодск  
курортларида ажойиб дам олишингиз мумкин  
15-21 кун 1300-5000 миң с-куп (тулов истиснои шисола)  
\* еврова даражасидаги сервис  
\* экскурсиялар  
Марҳумлар  
буисисларга  
ноқарни ва  
бизнесмаллар қўғиларга - 25%  
камаятирилган  
Манзилгоҳимиз: Тошкент, Я.Колас кўч, 15-й  
Телефонлар: 32-08-11, 32-70-73, 32-00-32, 33-55-16(ф), 32-07-14(ф)

**Халқ сўзи**  
**НАРОДНОЕ СЛОВО**  
● ТЕЛЕФОНЛАР:  
маълумот учун 33-07-48;  
эълонлар бўлими 32-09-25.  
Индекс: 64608.

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Кенгаши Раёсати  
ва Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир: Анвар ЖУРАБОВ  
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:  
Абдунаби БОЙҚЎЗНОВ, Эсирган БОЛИЕВ [масъул котиб, «Халқ сўзи»],  
Эрнин ВОҲИДОВ, Мирнамал МИРАЛИМОВ, Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ [бош муҳаррир ўринбосари, «Халқ сўзи»], Лев ПАК [бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»], Людмила ПОРФИРЬЕВА, Қўлаҳмад РИЗАЕВ, Александр ТЮРИКОВ [масъул котиб, «Народное слово»], Шавкат ЯҲЕЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Мухаммаджон ҚОРАБОВ, Санджор ГУЛОМОВ.

● МАНЗИЛИМИЗ:  
700000, ГСП  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.  
Навбатчи муҳаррир —  
А. Бойқўзиев, навбатчи —  
Б. Остонақулов.